УзССР Давлат матбуот палатасы
Бир. № ... сонли УзССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 137 (8. 335) ◆ 1993 йил 3 август, сешанба Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҲОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА СОЛИҚ БЎЛМАГАН ДАВЛАТ ТЎЛОВЛАРИНИ ОЛИШ ВА ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Хорижий валютада давлат божлари, йиғимлари ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар олишни тартибга солиш ва валюта тушумларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, хорижий валютада олинадиган божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларнинг 85 фоизи республика валюта жамғармаси ҳисобига, 15 фоизи эса Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача кўзда тутилмаган бўлса, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг махсус валюта жамғармалари ҳисобига ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари махсус валюта жамғармаларининг маблағлари уларнинг ҳоҳишига кўра моддий техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва хизмат сафари харажатлари учун фойдаланилади.

2. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 августдаги фармонининг валюта тушумларини тақсимлашга тааллуқли 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқарув органлари хорижий валютада оладиган давлат божлари, йиғимлари ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни ҳамда уларнинг миқдорлари (ставкалари)ни белгилаб берувчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 31 июль.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган йиғилишда иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларини 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари кенг муҳокама қилинди. Йиғилишда нутқ сўзлаган Президентимиз Ислом Каримов мустақил давлатимизнинг олдига қўйган мақсади — иқтисодий ислоҳотлар натижасида халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисоднётига ўтказиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар ҳамда хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма корхоналар сонини ошира бориб жаҳон бозорига чиқиш йўлларини белгилаш ҳақида алоҳида тўхталди. Юртбошимиз ота-боболаримиздан қолган виқор, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз!» деган ғурур ва ишонч билан дунёга чиқиш кераклигини уқтирди. Бу масалада Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо берди. Бинобарин «Ташсельмаш»нинг жаҳон бозори сари қўяётган дадил одимлари сири нимада? Қуйида ана шулар ҳақида тўхталамиз.

* *Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!*

«ТАШСЕЛЬМАШ»: ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

* *Суратли лавҳа*

ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг пахта териш машиналари доврўғи кенг ёйилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин корхона фаолиятида янги саҳифалар ёзила бошлади. Унинг маҳсулотларига талаб янада ортди.

Биз бирлашманинг асосий жамоаларидан бири бўлган 27-цехдамиз. Кенг ва ёруғ цехда ишчиларнинг қўлиқўлига тегмайди. Биров пахта териш машинаси қисмларига ишлов бераётган бўлса, бошқаси эса уларни йиғиш учун конвейерга қўймоқда. Хуллас, ҳамма ўз иши билан овора.

— Бозор иқтисодиёти шароитида, — дейди ишчи Ҳамид Рўзматов, — пахта териш машиналарини ҳеч бир нуқсонсиз ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз. Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар маҳкамаси йиғилишида корхонамиз шаънига айтган илиқ сўзлари ҳаммамизнинг кучимизга куч қўшди. Шу боисдан бугунги кунда маҳсулот сифатига катта эътибор беряпмиз. Масалан, ҳозирги ишлаб чиқарилаётган машиналарда пахта 6 фоиз ифлосланади. Ваҳоланки, ифлосланиш давлат талаблари бўйича 8 фоизгача рухсат берилади. Илгарилари эса бу кўрсаткич анча юқори бўларди.

Бирлашма бош конструктори Борис Чечин ҳам шу ерда экан. У бизга қўйидагиларни гапириб берди:

— Илгарилари биз пахта териш машиналарини Москва орқали чет элга сотардик. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин эса чет мамлакатлар билан тўғридан-тўғри шартномалар туза бошладик. Болгария, Руминия, Туркия, Хитой, Покистон ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандир. Ўтган йили Покистонга 59 та машина жўнатилган эди. Юқоридаги бошқа мамлакатларда эса ҳозир «Тошқишлоқмаш» тамғаси босилган пахта териш машиналари синовдан ўтмоқда. Ўйлаймизки, бу йил ҳам пахта мавсумигача бир қанча машиналар бу мамлакатларга жўнатилади.

Бундан ташқари корхона Исроил давлати билан қўшма корхона қуриш шартномасига эга. Бу қўшма корхонани қуришдан мақсад пахта териш машинасининг тик айланма ҳаракат қиладиган қисмини ётиғига алмаштиришдир. Гап шундаки, чет элларда пахта мавсумда бир марта терилади. Ётиқ айланма ҳаракат қиладиган қисм эса айнан шунга мўлжалланган. Ҳозир ана шундай битта машина Исроилда синовдан ўтмоқда.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бирлашма дунёда пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш бўйича учинчи корхонадир. Иккитаси Америка Қўшма Штатларида. Шунинг учун биз жаҳонга «зангори кема»ларни кўпроқ жўнатиш учун машиналарнинг конструкцияларини янада мукаммаллаштираяпмиз. Буни ўтган йили Испанияда машиналаримизга «Халқаро сифат» тамғаси берилганлиги ҳам исботлаб турибди.

Яқинда биз янги пахта териш машинасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу янги машина эскисини тўлалигича алмаштирди. Унда эски машиналарда бўлган барча камчиликлар тугатилди. Масалан, уни икки-уч соат ичида мавсумга мослаштириш мумкин. Бурунгисида эса бу жараён бир ишчи кунини талаб қиларди. Унинг бункерлари бурунгисидан анча катта бўлиб, нархи ҳам унча юқори эмас. Бундай пахта териш машиналари чет эллик мижозларимизга қулай, бирлашма учун фойдалидир.

Дарҳақиқат, бирлашма кейинги пайтларда жаҳон бозорида мустаҳкам ўз ўрнини топишга интилмоқда. Буни юқоридаги мисоллардан билиб олса ҳам бўлади. Корхона жаҳон бозорига нафақат пахта териш машиналари, балки бошқа маҳсулотлари билан ҳам чиқишни мўлжаллаб турибди. Ҳаммага маълумки, республикамизда ҳозир Жанубий Корея билан ҳамкорликда енгил автомашиналар ишлаб чиқариш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бирлашма ана шу ишлаб чиқаришдан катта буюртма олишга ҳамда келажакда Жанубий Корея фирмалари билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Корхона келажакда деҳқончилигимиз учун зарур бўлган картошка экадиган ва йиғадиган комбайнлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирмоқда. Бундай машиналарни ҳозир республикамиз қишлоқ хўжалиги Россиядан олиб турибди. Шуларнинг бир қисмини чет элга сотиш ҳам мўлжалланмоқда.

Бирлашмадан чиқиб кетар эканмиз, ишчи ва хизматчиларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишларидан жуда мамнун бўлдик. Ўзбекистонни жаҳон бозорида кўз-кўз қилаётган ишчиларга бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тиладик.

Ғулом ЮСУПОВ.

СУРАТЛАРДА: бирлашманинг шу кунги қайноқ ҳаётидан лавҳалар.

Андрей Пишненко суратлари.

* *Бир корхона янгиликлари*

Марказий Осиёда ягона

ЎРТА ОСИЁ кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида Туркиянинг «Керимоғлу Организацион ва назарлама» фирмаси билан «Осиё» қўшма корхонаси ташкил этилгани ҳақида илгари хабар берилган эди. Айни кунларда бу қўшма корхона фаолияти бошланди. Яъни, қўшма корхона томонидан шаҳримизнинг Пушкин кўчасида 24 қаватли, беш юлдузли меҳмонхона қурилишининг дастлабки юмушлари бошланди. «Осиё» қўшма корхонаси бунёд этадиган бу меҳмонхона Марказий Осиёда ягона бўлади. Ҳозир меъморчилик устахоналарида лойиҳалар чизмаси тайёрланяпти. Меҳмонхона бунёд этиладиган майдон текисланиб қурилишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Шафтолизор ҳосили — дастурхонга

БИРЛАШМАНИНГ «Машъал» ижара корхонасига қарашли 4 гектарли шафтолизорда ҳосил терими бошланди. Қибрай туманида жойлашган бу боғ уч йил аввал тўқайзордан иборат эди. Кабелсозлар ернинг захини қочириб, ишлов бериб шафтоли экдилар. Саховатли замин уларнинг ҳаракатини бесамар қолдирмади. Шўрлаб, сув босган ерда ҳадемай ниҳоллар қуриб қолади, дегувчилар тилларини тишлаб қолдилар. Шафтолизор ҳосиллари кабелсозлар дастурхонига етиб борди. Шуниси эътиборлики, ижара корхона раҳбарияти мевалар нархини бозордагидан арзон қилиб белгилади. Пишган шафтолилар сархил қилиб сотиляпти.

Қишлов тараддуди

МАЗКУР КОРХОНАНИНГ «Средазкосмос» қўшма корхонаси томонидан Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Паркент» давлат хўжалигида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликнинг фермасида қишлов учун қизғин тараддуд кўриляпти. 60 дан ортиқ қорамоллар боқилаётган чорва хўжалигида дағал хашак жамғариш давом этмоқда. Силос бостириш учун ҳандақ тайёрланди. Қорамолларнинг кундузи яйратиладиган бостирмаси кенгайтирилмоқда. Шунингдек, ферма кўчасига асфальт ётқизилиб, чорвадорлар дам олиш хонаси таъмирланди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

«Сўғдиёна—93» пойгаси

ТОШКЕНТ шаҳар пассажир транспорти Давлат уюшмаси ва республика автомотоспорт федерацияси ташаббуси билан 29 августдан 1 сентябрга қадар олтинчи анъанавий «Сўғдиёна — 93» автомобиль пойгаси ўтказилади.

Пойтахт ва Тошкент вилояти йўлларида ўтадиган мазкур мусобақа мустақиллигимизнинг икки йиллигига бағишланган бўлиб, унда спортчилар 1300, 1600 ва 1600 дан юқори куб сантиметрли двигателлар ўрнатилган енгил машиналарда куч синашадилар.

Бундан ташқари ташкилотчилар томонидан «Сўғдиёна—93» да иштирок этадиган аёллар жамоалари учун махсус соврин тайёрланмоқда.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков кеча Эндрю Янг раҳбарлигидаги АҚШ ишбилармонлари делегациясини қабул қилди. Суҳбат Орол денгизи муаммоларига бағишланди. АҚШ ишбилармонлари делегацияси кеча Киночилар уйида журналистлар билан учрашдилар.

● Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Жиззах вилоятлари фаолларининг йиғилишида 27 июлда Вазирлар маҳкамаси мажлисида Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Наманган вилояти енгил саноати меҳнат жамоалари Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги шарафига шанбалик ўтказиб, 105 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни режаладилар. Ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми «Соғлом авлод учун» жамғармасига ўтказилади.

● 6 август куни Жанубий Кореянинг Тэчжон шаҳрида анъанавий «ЭКСПО—93» халқаро кўргазмаси очилади. Ўзбекистон унда илк бор мустақил давлат сифатида ўзининг саноат ва қишлоқ хўжалигида эришган муваффақиятларини намойиш этади. 8 сентябрь куни Тэчжонда Ўзбекистон кунлари бошланади. Унда республикамиз делегацияси иштирок этади.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Носир Ёқубов Олмаотада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга ишонч ёрлиғини топширди.

● Кечадан эътиборан Қирғизистонда нон нархи икки ярим бараварга, ун эса 50 фоизга оширилди.

● Украина мудофаа вазири мамлакат ҳудудидаги СС-19 қитъалараро ракеталарини йўқотиш бошланганлиги тўғрисида баёнот берди.

● 1 август соат 16.30 да Ингушистон Республикаси ва Шимолий Осетиядаги муваққат маъмурият бошлиғи Виктор Поляничко ва Владикавказ гарнизонининг бошлиғи генерал-майор Анатолий Карецкий хизмат машинасида кетаётганларида номаълум шахслар томонидан ўққа тутилиб, ҳалок бўлдилар. Суиқасд рўй берган жойга Россия мудофаа вазири Павел Грачев ҳамда Бош вазир ўринбосари Сергей Шахрай етиб келдилар. Бу ердаги муваққат маъмурият бошлиғи вазифасини бажариш собиқ СССР ички ишлар қўшинларининг собиқ қўмондони генерал-полковник Юрий Шаталин зиммасига юклатилди.

● Россиянинг Тожикистондаги чегара қўшинлари гуруҳи қўмондони генерал-майор Анатолий Чичулин берган баёнотга кўра, Афғонистон—Тожикистон чегарасидаги Москва чегара отряди 11-заставаси орқасига ўтиб қолган «душманга қақшатқич зарба берилган». 100 нафардан кўпроқ жангарлар ўлдирилган, кўп миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дори қўлга туширилган.

● Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳозир Англиядаги пул босиш корхоналарида тайёрланаётган Туркманистоннинг миллий валютаси қиймат жиҳатидан бир манат ҳисобида бир долларга тенг бўлишини айтди.

ХОРИЖДА

● Исроил Жанубий Ливан қаршилик ҳаракати жангарлари, айниқса «Хезболлах»дан «ўч олиш» операцияси тўхатилганлигини маълум қилди. Исроилнинг бир ҳафта давомида Жанубий Ливанга ҳаводан 21 минг марта зарба бериши оқибатида 50 тадан 80 тагача жангари, шунингдек 114 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган. Бу вақт ичида ярим миллиондан кўпроқ ливанлик ўз уйларини тарк этди. Жанубий Ливандаги 2 минг уй-жой хонавайрон қилинди. «Хезболлах» жангарларининг Исроилни тўпдан ўққа тутиши оқибатида тўрт исроиллик ҳалок бўлди, 24 киши жароҳатланди.

● АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг Яқин Шарққа сафари бошланди. У кеча Қоҳирага келди. Уоррен Кристофер Мисрдан Сурия, Иордания, Ливан ва Исроилга йўл олади.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Босния ва Герцеговинадаги қўшинларини ҳимоя қилиш учун бу ерга ҳаво орқали ҳужум қилиш таклифи билан БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий ва ўз иттифоқчиларига мурожаат этди. Агар БМТ ва иттифоқчилар бу масалада Американи қўллаб-қувватламасалар, АҚШ ўзи мустақил равишда ана шу жазо чораларини қўллаш ниятидадир.

● 42 йил давомида Бельгия қироли бўлган Бодуэн юрак хасталиги оқибатида вафот этди. Унинг 59 ёшли укаси Альбер Бельгия қироли деб эълон қилинди.

● Москва билан Болтиқ давлатлари ўртасидаги сиёсий ихтилофларга қарамасдан бу ердан Россия қўшинларини олиб чиқиб кетиш давом этяпти. Ўтган йили Эстония, Латвия ва Литвада Россиянинг 55 минг аскари бўлса, ҳозирги пайтга келиб улар сони 20 мингга камайди.

● Туркиянинг Арзурум шаҳрида бу шаҳарнинг Самарқанд билан биродарлашганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

● АҚШнинг йирик саноат ва маданият маркази — Сент-Луис шаҳрининг сув остида қолиш хавфи туғилди. Анчадан бери давом этаётган жала туфайли Миссури ва Миссисипи дарёлари тошиши оқибатида бу ерда ҳозирнинг ўзида 45 киши ҳалок бўлди. Табиий офат етказган зарар 10 миллиард доллардан ошиб кетди.

Бугунги кун нафаси

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ХАБАРИ

Россия Федерациясидан 1993 йил намунасидаги пул белгиларининг ажратилиши ва келтирилиши билан боғлиқ муайян қийинчиликлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республика фуқароларига қўйидагиларни маълум қилади:

Навбатдаги иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва нафақалар 1961—1992 йиллар намунасидаги пул белгилари билан берилади;

кўрсатиб ўтилган пул белгилари Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлади ҳамда барча муассасалар ва ташкилотлар томонидан чекланмаган ҳажмда сўзсиз қабул қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

БУЮРТМАЛАР—ЎЗ ВАҚТИДА

— Амир Темур хиёбони шаҳарнинг энг гавжум жойларидан ҳисобланади, — дейди бирлашма бош директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Виктор Третьяк. — Айниқса бу ерда мустақилликнинг икки йиллиги нишонланадиган кун ҳамшаҳарларимизнинг кўпчилиги дам олиши аниқ. Шунинг учун хиёбонда эскириб қолган панжаралар, ўриндиқлар алмаштирилиб, дарахтлари оқланиб, саранжом-саришта қилиниши керак. Корхонамиз бу ишда қатнашаётганидан фахрланамиз.

— Бирлашма ишчи ва хизматчилари шаҳримизнинг марказий хиёбонида жойлашган бошқа жойларида ҳам шунга ўхшаш ишларни амалга оширади, — гапга қўшилди ишлаб чиқаришга тайёрлаш бўлими бошлиғи Виктор Кравченко. — Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир иккита мисол келтирсак. Мустақиллик куни ишга туширилиадиган «Туркистон» маданият маркази атрофини ўраш бизнинг корхонамизга юкланган. Бунинг учун бирлашмамизда 350 метр атрофида темир панжара тайёрланмоқда. Бундан ташқари бу ерда ҳар бирида учта киши ўтирадиган 1150 та ўриндиқ ва 150 курсини ишлаб чиқариш ҳам бизнинг зиммамизда.

Мустақиллик майдонига ўтган йили бир қанча ўриндиқ ясаб берган эдик. Бу йил ҳам Республикамизнинг энг йирик майдонига 5404 та ўриндиқ ясаб бериш мажбуриятини олганмиз. Ҳозирги кунда ана шу курсилар корхонада ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, корхона Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси учун ҳам темир панжаралар тайёрлаётир. Панжараларни ишчилар шу йилнинг 20 августигача қўйиб, Москвага жўнатадилар.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жамоа шаҳар тадбирларида қатнашиш билан бир қаторда бирлашма ҳудудини ҳам байрамга тайёр ҳолга келтиришаётир. Заводга қарашли кўча ва ариқларни тозалаш, оқлаш, бўяш ҳамда мустақилликни таранум этувчи шиорлар осиш шулар жумласидандир. Ундан кейин мустақиллик олдидан бир ҳафта мобайнида ҳар куни корхона ҳудуди ва цехларда ишчиларга аталган концертлар берилади. Айни пайтда шу мақсадни амалга ошириш учун пойтахтнинг хушовоз хонандалари ва эл оғзига тушган дасталари таклиф қилинган.

Ғиёс ЮНУСОВ.

Масъулиятли вазифалар

БЕКТЕМИР туманидаги мустақилликнинг икки йиллигини ўтказиш бўйича ташкилий комитет навбатдаги йиғилишни ўринбосари Ҳабибулла Толипов шундай деди:

— Байрамнинг асосий тадбирлари пойтахтимизда ўтказилаётгани учун ҳам, шаҳримиздаги барча туманлар зиммасида энг масъулиятли вазифалар турибди. Шундай экан, бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳатлик билан иш олиб боришимиз лозим. Ҳар ким ўз корхона ва ташкилотларининг имкониятларидан келиб чиқиб, туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган тадбирларга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Албатта, байрамларни муносиб тарзда ўтказиш учун тажрибаларимиз етарли, лекин бу йилги байрамни янада кўтаринки руҳда, катта тайёргарлик билан кутиб оламиз.

Ҳар бир ташкилотга ҳудудлар бўлиб берилган. Мазкур ҳудудларда ободончилик ва ишлаб чиқариш ишларида фаоллик кўрсатиш улардан талаб этилади.

Байрамни ўтказиш ташкилий комитети мажлисида тантаналарни ўтказиш борасидаги барча масалалар хусусида батафсил гап борди, йиғилишда қатнашганларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Эҳсон ХОДИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ 1992 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ 21-СОНЛИ ҚАРОРИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ 1993 ЙИЛ 7 ЯНВАРДАГИ 13-СОНЛИ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЕТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, республика қишлоқ хўжалик идоралари мазкур қарорларни бажара бориб, давлат хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқариш ва қишлоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини такомиллаштириш, мулкчиликнинг давлатга дахлдор бўлмаган турли шаклларидаги хўжаликларнинг янги турларини барпо этиш юзасидан муайян иш қилдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 январдаги 21-сонли қарорига мувофиқ, ўтган йили 360 та зарар келтираётган давлат хўжалиги жамоа хўжаликларига, кооперативларга, давлатга дахлдор бўлмаган бошқа турдаги хўжаликларга айлантирилди, уларнинг банклар ва маҳсулот етказиб берувчилардан 1 миллиард сўмдан кўпроқ қарзи кечиб юборилди.

Бу йил 505 давлат хўжалиги мулкчиликнинг давлатга дахлдор бўлмаган коллектив шаклларига ўтказилди, уларнинг негизида 180 та жамоа хўжалиги 268 та кооператив хўжалик, 57 та ижара хўжалиги ва бошқа турдаги корхоналар тузилди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш билан бир вақтда нарх сиёсати такомиллаштирилиб, давлат буюртмасининг салмоғи камайтирилди. Ҳозирги вақтда пахта ва дондан бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари учун эркин (шартномавий) харид нархлари жорий этилган.

Амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида барқарорликка, меҳнат жамоаларининг ўзлари етиштирган маҳсулотларни тақсимлаш ва сотиш масалаларини мустақил ҳал қилишларига ёрдам бермоқда.

Шу билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамаси таъкидлайдики, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари, қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концерни ҳамда уларнинг жойлардаги идоралари хўжаликларнинг иқтисодиётини соғломлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш, шу асосда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун давлат томонидан вужудга келтирилган имкониятлардан фойдаланиш юзасидан тегишли чораларни кўрмадилар.

Иқтисодий ўзгартишлар ташкилий ва малака жиҳатидан паст савияда, меҳнат жамоаларида янги шароитда ишлаш учун тегишлича тайёргарлик кўрилмай ва ҳар бир хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинмай амалга оширилмоқда. Бу ишда кўпинча юзаки ёндашув, расмиятчилик ва маъмуриятчилик устунлик қилмоқда. Давлат хўжаликларини давлатга дахлдор бўлмаган бошқа турдаги хўжаликларга айлантириш чоғида кўпинча хўжаликларнинг номигина ўзгартирилмоқда, ишлаб чиқаришни ташкил этиш қоидалари, хўжалик ички ишлаб чиқариш муносабатлари эса ўзгармай қолмоқда.

Қишлоқда ўзгартишларни амалга ошириш чоғида боқимандалик билан ёндашиш ҳоллари юз бермоқда, туманларнинг ва хўжаликларнинг раҳбарлари аввалгидек давлат маблағи ва ресурсларига кўз тикмоқдалар.

1992 йил якунларига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 январдаги 21-сонли қарорига асосан зарар келтирувчи давлат хўжаликлари негизида тузилган 360 та хўжаликдан 99 таси 3,7 миллиард сўм зарар кўрди ва тўловлар муддатини кечиктириш мақсадида яна мулкчилик шаклини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритмоқда. Бундай хўжаликлар Қорақалпоғистон Республикасида (12 та), Қашқадарё (15 та), Сурхондарё (10 та), Бухоро (7 та) ва Хоразм (7 та) вилоятларида кўпчиликни ташкил қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги 13-сонли қарорига мувофиқ давлат хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқариш қониқарсиз бормоқда. Бу ерларда вилоят ташкилотлари билан келишиб олинган жадвал белгиланган ҳажмда бажарилмаяптигина эмас, ҳатто тўхтатиб қўйилган. Когон, Бухоро, Қизилтепа, Комсомолобод ва бир қанча бошқа туманларда иш ёмон ташкил этилган.

Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятларида кам маҳсулли чорвачилик фермаларини коллектив мулк қилиб бериш иши чинакам авж олдирилмаган, қарорда кўзда тутилган фермаларнинг ярмидан камроғи коллектив мулк қилиб берилган, холос.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар даражаси пастлигига яна бир сабаб мазкур масала юзасидан пухта ишланган тавсияномалар, услубий қўлланмалар ва илмий йўл-йўриқларнинг йўқлиги, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концерни ва уларнинг жойлардаги идоралари иқтисодий хизматларининг бу муаммога етарли эътибор бермаётганлигидир.

Бу нуқсонлар амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини камайтириб юбормоқда, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ғов бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги (ўртоқ Қаюмов), «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концерни (ўртоқ Мирзаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва ҳукуматнинг мазкур масалага доир қарорини бажариш юзасидан қилаётган ишлари қониқарсиз, деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазири (ўртоқ Қаюмов), Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг ҳокимлари (Маҳмудов, Сайдалиев, Тошкенбоев, Норалиев ўртоқлар) давлат хўжаликларини бошқа турдаги хўжаликларга айлантириш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги шароитда самарадорлик билан ишлаши учун иқтисодий имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш ишларининг ташкил этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир ташкилотчилик ишлари савиясининг пастлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида таназзулга йўл қўйгани учун Бухоро (ўртоқ Шомуродов), Қизилтепа (Паттулаев), Пискент (ўртоқ Носиров), Бўка (ўртоқ Элчибоев) ва Комсомолобод (ўртоқ Қодиров) туманларининг ҳокимлари қаттиқ огоҳлантирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан, вилоятлар ҳокимликларидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигидан, «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концернидан сифат жиҳатидан янги хўжалик ички ишлаб чиқариш муносабатларига ўтиш учун шароит яратишга алоҳида эътибор берган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўзгартишларга доир ишларни тубдан яхшилаш, бошланғич ишлаб чиқариш бўлинмаларига ва умуман хўжаликларга ишлаб чиқаришни бошқаришда, маҳсулотни тақсимлаш ва сотишда, меҳнатга ҳақ тўлашда, ходимларнинг сони қанча бўлишини аниқлашда, маҳсулот сотиш учун бозорни танлашда ва маҳсулотни сотиш нархларини белгилашда кенгроқ мустақиллик беришга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинсин.

Агротехника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларига маъмурий йўл билан аралашиш ҳоллари тугатилсин, ислоҳотларга тўсқинлик қилаётган сабаблар аниқланиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари белгилансин.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концернининг барча давлат хўжаликларини кооператив хўжаликларига ва давлатга дахлдор бўлмаган бошқа шаклдаги хўжаликларга айлантиришни 1993 йил декабргача тугаллаш ҳамда чорвачилик фермаларини шу йил сентябрга қадар жамоаларга мулк қилиб бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси йил якунларига кўра ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш мақсадида қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш қандай бораётганлигини чуқур ўргансинлар ва шу асосда туманлар ва вилоятларда қишлоқ хўжалигини бошқариш идоралари тузилишини хўжалик юритишнинг янги шакллари ва ривожланаётган бозор муносабатларига мувофиқ равишда такомиллаштиришга доир таклифларни киритсинлар.

4. Мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилган ва бу йил муқим ишни таъминлаётган хўжаликларга молиявий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концернидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банкига фойда тўланмайдиган кредит ресурслари ажратиш ҳамда банклар ва маҳсулот етказиб берувчилардан 12,7 миллиард сўмлик қарзни тўлашни 20 йилга кечиктириш тарзида бу хўжаликларга ёрдам бериш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банки ва уларнинг жойлардаги идоралари қарзлардан тўғри фойдаланиш ва тўловларнинг кечиктирилиши расмийлаштирилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотвиносаноат» концерни қишлоқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш масалаларига доир ҳукумат қарорлари ва бошқа қонунларнинг жойларда чуқур ўрганилишини ташкил этсинлар, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бозор иқтисодиёти асосларини, шу масалаларга доир қонун ва меъёрий ҳужжатларни қанчалик билишларини аниқлаш учун уларни аттестациядан ўтказсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ҳокимликларининг мажлисларида, вазирликлар ва идораларнинг ҳайъатлари йиғилишларида хўжаликлар, туманлар, қишлоқ хўжалигини бошқариш вилоят идоралари раҳбарларининг қишлоқда иқтисодий ўзгартишларнинг аҳволи ҳақидаги ахборотлари мунтазам эшитиб турилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Деҳқончилик-саноат мажмуи (ўртоқ Жўрабеков) зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ ЛОЗИМ!

31 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергетика-ёқилғи маҳсулотларини иқтисод қилиш комиссиясининг агросаноат, сув хўжалиги ҳамда қурилиш комплексларида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш ва уларнинг ҳисобини олиб боришдаги камчиликларни тугатишга бағишланган йиғилиши бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков олиб борди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида унинг ёқилғи маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим омил эканлиги қайд этилди. Республика ҳукумати халқ хўжалигининг барча соҳаларини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича жиддий чоралар кўряпти. Маълумки, нефть маҳсулотларининг кўпчилик қисми ҳозирча мамлакат ташқарисидан олиб келинмоқда. Лекин жойларда бу маҳсулотлардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, ҳисобга олинмаган ортиқча материалларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳоллари юз беряпти. Ўзбекистон Республикаси Давлат назорат комитетининг маълумотида мана шу фактлар келтирилган.

Комиссия йиғилишида йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари таҳлил қилинди. Сув хўжалиги вазирлиги «Ўзқишлоқхўжаликтаъминот — таъмир», «Ўзсувқурилиш», «Ўзсаноатфуқароқурилиши» ташкилотларининг нефть маҳсулотларидан фойдаланишда иқтисод бўйича фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Нефть маҳсулотларидан оқилона фойдаланишни назорат қилишни кучайтириш, янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, халқ хўжалигига келаётган нефть маҳсулотларидан фойдаланишга оид ҳисоб-китобни тиклаш бўйича қарорлар қабул қилинди. Ёқилғи қуйиш станциялари ва нефть базаларида маҳсулотларни асрашни таъминлаш чоралари белгиланди. Яқин орада ёқилғи қуйиш колонкалари, бошқарув пультларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилади, шунингдек, ишлатилган нефть маҳсулотларини йиғиш ва уларни қайта ишлаш ташкил этилади.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов, вазирликлар, идоралар, концернларнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимликларининг вакиллари иштирок этдилар. (ЎзА).

Дутор эмас, дил торини чертар бармоқлар.
Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

⊙ Шу кунларда Мустақиллик майдонида истиқлолнинг икки йиллиги санасига катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ш. Иброҳимов сурати.

** Илмий тадқиқот масканларида*

Мўъжизавий хазина

КИМЁ фани ўсимликлар кимёси, тиббиёт кимёси, биорганик кимё, ўғитлар кимёси каби кўплаб тармоқларга эга. Шулар қаторига доришунослик кимёси киради. Бу борада республикамиздаги етакчи институтлардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, қадимлардаёқ улуғ алломалар Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний-ларнинг асарларида таркибида алколоид бўлган юзлаб доривор ўсимликлар таърифлаб берилган. Ўсимликлардан алколоид моддаларини ажратиб олиш кашф этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки XIX аср бошларида ҳам ҳайвон танасидаги моддалардан фарқли ўлароқ ўсимлик моддаларида азот бўлмайди, деб ҳисобланар эди. Ниҳоят 1803 йили биринчи бўлиб доривор ўсимлигидан афюн алколоидлари ажратиб олинди.

— Институтимиз бир неча йўналишларда иш олиб боради, — деди ўсимлик моддалари кимёси институтининг директори, техника фанлари доктори, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби Ҳ. Орипов. — Шулардан бири юқори фаолликка эга бўлган янгидан-янги доривор моддаларни яратишдир. Илмий тадқиқотларнинг асосий йўналиши Марказий Осиё ва Узоқ Шарқдаги доривор ўсимликлардаги алколоидларни мунтазам суратда тадқиқ этиб, кимё фанини табиий бирикмалар соҳасида ривожлантириш ҳамда наботот бойликларидан тиббиётда оқилона фойдаланишдан иборат. Алколоидлардан катта қисми амалда қўллана бошланди, уларнинг тузилишини билиш ҳамда саноат миқёсида сунъий равишда олишга имкон яратди. Шифобахш модда бўлган бу алколоидларнинг тузилиши янги хил дори-дармонларни ишлаб чиқаришга ундади.

Бу борада кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаётгани қувончлидир. Тошкент кимё-доришунослик бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган цитизин, галантамин, ликорин, шу жумладан дитерпелли каби алколоидлар асосидаги препарат тиббиёт амалиётига жорий этилди. Тиббий биологик тадқиқотлар учун бир қатор биореактив доридармонлар яратилди. Институтда 29 оилага мансуб бўлган 266 турдаги доривор ўсимликлар тадқиқ этилиб, 913 та алколоид ажратиб олинди. Шулардан 518 та янги алколоиднинг кимёвий тузилиши аниқлаб олинди. Натижада таркибида алколоид бўлган янги тур доривор ўсимликлар ва янги хил алколоидлар ташкил этилди. Уларнинг тузилишини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Деярли 50 йил давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар алколоидлар кимёсида юксак истиқболли йўналишларни белгилаб берди.

Тўхтахўжа МАҲМУДОВ.

Таниқли иқтисодчилар фикри

Россиялик таниқли иқтисодчилар ва жамоат арбобларининг бир гуруҳи сешанба куни эълон қилган баёнот РАТА—ТАСС каналлари орқали тарқатилди. Баёнотда Беларусь, Россия ва Украина ҳукуматлари бошқиларининг иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги қарорида белгиланган иқтисодий сиёсат «калтабинлик» деб баҳоланган.

Станислав Шаталин, Леонид Абалкин, Вадим Бакатин ва халқаро «Ислоҳот» жамғармасининг бошқа раҳбарлари имзолаган шу баёнотда таъкидланишича, Ўрта Осиё давлатлари, Қозоғистон ва Озарбайжоннинг Туркия, Эрон, Покистон ва Афғонистон билан яқинроқ иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги қадамларига жавобан уч славян давлатининг ҳукуматлари шундай битим тузгани учун ҳам бу ишни асло маъқуллаб бўлмайди.

«Ислоҳот» жамғармасининг раҳбарлари фикрича, Қозоғистон ва Ўрта Осиё давлатлари билан олдиндан маслаҳатлашмай ва уларнинг фикрини билмай туриб, мазкур баёнотнинг қабул этилиши «мазкур давлатларнинг иқтисодий иттифоқда қатнашувини анча чеклаб қўяди». Таниқли иқтисодчилар ва сиёсатчиларнинг назарида, уч славян давлатининг бу баёноти Қозоғистон ва Ўрта Осиё давлатларини иқтисодий иттифоқда қатнашишдан четлаштириши мумкин.

Ҳужжат муаллифлари яна шуни ҳам таъкидлайдиларки, МДҲга аъзо мамлакатлар бўлмиш Қозоғистонга ва Ўрта Осиё давлатларига нисбатан бундай ташқи иқтисодий сиёсат «олисни кўзламайди, яқин келажакда ҳам, истиқболда ҳам Россиянинг ва бошқа давлатларнинг манфаатларига асло мос келмайди».

«Яқин хориж билан иқтисодий бирлашувни чуқурлаштириш йўли эса МДҲ доирасида иқтисодий иттифоқни вужудга келтириш ҳақидаги баённомани ривожлантириш ва амалга оширишдан иборат», — деб хулоса қилишади ҳужжат муаллифлари.

(ЎзА).

БЕЛГИЛАНГАН РЕЖА АСОСИДА

Мирзо Улуғбек тумани соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари мустақилликнинг икки йиллиги муносабати билан катта дастур тайёрладилар. Унда белгиланган режа асосида тумандаги шифохона, поликлиника ва бошқа тиббий масканларда, маҳаллаларда учрашувлар, қизиқарли томошалар билан чиқишлар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, миллий урф-одатларимизни тарғиб қилиш, ободончилик ва озодалик тўғрисида маърузалар, мунозарали суҳбатлар уюштириш ҳам режалаштирилган.

Бундай учрашувлар Навоий, «Гулистон», «Дўстлик», «Баҳор» ва Охунбобоев номли маҳаллаларда бўлиб ўтди.

Тиббиётчилар «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш мақсадида 36-поликлиника, 14 туман касалхонаси ва 15-шаҳар шифохонасида қизиқарли тадбирлар уюштиришди. Унда соғлиқни сақлаш муассасаларидан, оналар, тумандаги маҳалла ва ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди. Тумандаги кўпгина магазинларда, тиббиёт муассасаларида 2 ёшгача бўлган чақалоқларни бепул озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари мунтазам йўлга қўйилди.

— Туман ҳокимининг ташаббуси билан Қорасув даҳасида 19-болалар поликлиникаси қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Уни Мустақилликнинг икки йиллигига совға қилиш мўлжалланган, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Клара Расулова.

Мазкур поликлиника бир вақтнинг ўзида 250 болага щифо бахш эта олади. Бундан ташқари, тумандаги 120 нафар кам таъминланган, ёлғиз кексалар ҳам ҳар доим туман соғлиқни сақлаш бўлимининг диққат-эътиборида. Уларнинг уйларига дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида олиб борилади. Рўзғор ишларида қарашиш учун кўпгина тиббиёт ҳамширалари бириктириб қўйилган.

Мустақиликнинг икки йиллик тўйи муносабати билан тумандаги кўп болали тиббиёт ходимлари, ёлғиз яшайдиган, кам таъминланган тиббиётчилар туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан моддий рағбатлантирилади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

«Истиқлолинг муборак, юртим»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Абдулла Авлоний номли маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Умид» миллий эстрада дастаси ўзининг ранг-баранг концерт дастурлари билан бир неча йиллардан буён мухлислар эътиборини қозониб келмоқда. Улар тез-тез репертуарларини янгилаб, дилрабо куй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар билан бойитиб борадилар. Эстрада дастаси Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб «Истиқлолинг муборак, юртим» деб номланган янги адабий-мусиқали композиция тайёрладилар. Мустақилликни янада мустаҳкамлаш, истиқлолнинг порлоқ қуёши мангу нур сочишига ишонч тараннум этилган мазкур дастур томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Мазкур дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Шаҳобиддин Халилов саҳналаштирган. Ҳаваскор артистлардан Бахтиёр Абдураҳмонов, Қодир Жавҳаров, Нуриддин Тошматов, Шуҳрат Қосимов, Рамзиддин Халиловлар ижросидаги ўзбек халқ қўшиқлари барчага манзур бўлмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Ниҳоллар ҳосилга кирганда...

ТОШКЕНТ эилзиласидан сўнг «Бирлик» маҳалласига янги кўчиб келган хонадонларнинг иморатлари бирин-кетин қад кўтараётганда 483-боғчанинг ҳам биринчи ғиштлари қўйила бошлаган эди. Орадан ўтган салкам 30 йил давомида ён-атрофда Ғафур Ғулом, Ойбек, Худойбердиев номли ва бошқа маҳаллалар пайдо бўлди. Ўғил-қизлар бирин-кетин вояга етиб, боғчага қатнай бошладилар.

Айни пайтда меҳнат фахрийси бўлган Маҳфуза ая Юсупова болажонларга боқиб, боғчанинг пойдеворидан то битгунича бош бўлгани, кейин мудиралик қилган даврларини эслайди. Вақт жуда тез ўтар экан. Ўша кезлари у ўтказган ниҳоллар эндиликда батамом ҳосилга кирди. Боғчанинг биринчи тарбияланувчилари эса уйли-жойли, фарзандли бўлдилар.

— Мен ўз ҳаётимдан мамнунман, — дейди Маҳфуза ая биз билан суҳбатда. — Негаки, умримнинг асосий қисмини болалар тарбиясига бағишладим. Маҳалладаги фаоллар билан хотин-қизларимиз турмушини яхшилаш, оилалардаги келишмовчиликларни бартараф этишга ҳам муносиб ҳиссам қўшилди. Боғчамизда тарбияланган дилбандларимиз эса турли қўшиқ ва рақслар билан нафақат шаҳримизда, балки Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Америка ва бошқа юртлардан келган меҳмонлар олдида ўз маҳоратларини намойиш этиб, таҳсинга сазовор бўлдилар.

Аянинг фахрланиб гапирганича бор. Аҳил жамоанинг ғайрати туфайли боғча кейинги йилларда республикадаги намунали масканлардан бирига айланди. Бу ерда камол топаётган болалар турли байрамлар, тадбирларда иштирок этиб, совринли ўринлар, дипломларни қўлга киритмоқдалар. Аянинг маҳалла боғчасидаги кўп йиллик меҳнатлари инобатга олиниб, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонлари билан мукофотлашди.

Ҳозирги кунда Маҳфуза ая кексалик гаштини сураяпти. Унинг севимли ишини эса қизи Шоҳида давом эттирмоқда. Боғчада таълим-тарбияни замон талаби асосида ташкил этишда устоз мураббиянинг тажрибалари қўл келаяпти.

— Қани энди ҳар ким ҳам у кишидек обрў-эътиборга лойиқ бўлса, — деди А. Икромов туманидаги «Бирлик» маҳалласининг фаоли Йўлдош Юсуфалиев. — Маҳалламиздаги жуда кўплаб йигит-қизларимиз болаликларида у кишининг «мактаби»дан ўтганлар, ахлоқ-одобга ўрганганлар. Биз барчамиз нафақада бўлишига қарамай ҳозир ҳам тиниб-тинчимаётган, жонкуяр тарбиячидан миннатдормиз.

Шерали ТУРДИЕВ.

** Ҳар тўғрида*

Москва давлат эстрада театри саҳнасида Грузия эстрада юлдузларининг томошалари бўлиб ўтди. Россия пойтахти мухлислари Нани Брегвадзе, Вахтанг Кикабидзе, Мераб Сепашвили каби таниқли, шунингдек ёш истеъдодлар санъатидан баҳраманд бўлдилар.

СУРАТДА: Нани Брегвадзе ва Вахтанг Кикабидзе.

⊙ ● ⊙

Машҳур кинорежиссёр Сергей Соловьев Москва Кичик театри таклифи билан бу ерда Чеховнинг «Ваня тоға» асарини саҳнага олиб чиқди. Унда бош ролларни ака-ука Юрий ва Виталий Соломин, Татьяна Друбич ижро этмоқда.

СУРАТДА: спектаклдан лавҳа. Войницкий — Ю. Соломин, Соня — Т. Друбич.

РАТА—ТАСС суратлари.

** Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши пленумидан*

МАФКУРАНИ ХАЛҚ ЯРАТАДИ

29 ИЮЛЬ куни Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ш. Шоисломов мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкурасини шакллантириш, республика Президенти И. А. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаш борасида партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

— Бирорта ҳам давлат ўз мафкурасисиз яшай олмайди, — деб таъкидлади маърузачи. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлаб олган экан, энди у ўз мафкурасини ҳам яратиши керак.

Халқимиз ўз олдига ёрқин ва аниқ мақсадни қўйиб ишлашга ўрганган, ҳозир у биз қандай жамият қураяпмиз, бу мақсадга эришишнинг йўллари қандай, бизнинг дунёқарашимиз ва ҳаётий мақсадларимиз қандай бўлади — шуларнинг барчасини билишни истайди. Шу саволларга янги мафкура жавоб бериши керак.

«Мафкура» деган иборанинг ҳам асл моҳиятига тушуниб етишимиз керак. Мафкура деганда кўз олдимизга қандайдир ташвиқот-тарғибот тадбирлари ва қуруқ ваъзхонлар келмасин. Мафкура, бизнинг назаримизда бус-бутун дунёқараш концепцияси, ҳаётий мақсадлар ва қадриятларнинг мажмуий тизимидир. У халқ манфаатлари ва орзу-умидларини ифодалаши ва шунга бўйсуниши лозим. Жамиятнинг бош мақсадларини ифодалаши ва халқни шу мақсадлар сари сафарбар этиши керак.

Мустақил Ўзбекистон олдида турган бош мақсад кучли, демократик, ривожланган, ҳуқуқий давлатни тузишдан иборатдир, унда кўп миллатли халқимизнинг, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг муносиб турмуш тарзи кафолатланган бўлади. Бу стратегик йўл Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» каби рисолаларида, қатор дастурий нутқлари ва чиқишларида ҳар томонлама асослаб берилган. Раҳбариятнинг бош йўли пойтахт аҳолиси томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон давлати буюк келажакка эга. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар бор. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, шу мақсадни жамиятнинг ҳар бир аъзоси дилига жо этиб, унга эришиш учун курашгандагина бу ўлка буюк ва гуллаб яшнаган диёрга айланади.

Ҳақиқий мустақиллик ва тараққиёт учун кураш ҳар биримиздан юксак ватанпарварликни, Ватан ишига шахсан даҳлдорлигимизни, бунёдкорлик ишларида фаол ва фидокорона иштирок этишни талаб қилади. Шуларнинг барчаси янги мафкурани — мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкурасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда «миллий» деган тушунча фақат ўзбек халқи манфаатларига бўйсунувчи мафкура сифатида қабул қилинмаслиги керак. Унинг мазмуни кенг, барча миллат вакилларининг манфаатларини ўзида ифодаловчи мафкура сифатида қабул қилиниши лозим.

Ўз моҳиятига кўра мафкура жамият ҳаётининг дастури ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган ҳолда ўзида барча сиёсий ва ижтимоий кучлар, ижтимоий ва миллий гуруҳлар манфаатларини жамлаган бўлиши керак. Мафкура турли хил манфаатларни ифодалаб, уларнинг бирталиқдаги омухта кўринишни ва давлат ҳаётини белгиловчи сиёсий, маънавий, маданий, ахлоқий-эстетик қадриятларнинг асосий йўналишларини ўзида намоён этади. Унда бирон-бир партия ёки жамиятнинг алоҳида гуруҳлари манфаатлари устивор бўлмаслиги керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мураккаб вазиятда ишлаб чиқилмоқда. Ўз умрини ўтаб бўлган эскилик барҳам топмоқда, ҳар бир халқ бахтли ҳаёт кечирадиган янги уйга пойдевор қўйилмоқда.

Биз ўз нуқтаи назаримизни сизларга олдиндан тарқатилган ҳужжат лойиҳасида баён этганмиз. Ўйлаймизки, муҳокама давомида ўз фикрларингизни ва таклифларингизни баён этасизлар. Уларни ҳисобга олган ҳолда биз бу ҳужжатни қайта ишлаб чиқамиз ва ўз нуқтаи назаримизни партиямиз Марказий Кенгаши комиссиясига тақдим этамиз.

— Ҳозирги шароитда жамиятни жипслаштириш, халқларни бирлаштириш, барчани Ўзбекистон олдида турган буюк мақсадларга эришишга сафарбар этиш муҳим вазифадир, — деб таъкидлади нотиқ. — Биринчи даражали бу вазифани адо этишда Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистонни тараққий эттириш ва гуллаб-яшнатишга қаратилган бешта аркони алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Раҳбарларнинг халқ билан алоқаси ҳақида алоҳида гапириш керак. Ҳозирги кунда ким ўз ташаббуси билан меҳнат жамоасига, маҳаллага келиб давлат сиёсатини одамларга тушунтириб беряпти, ўз тармоғидаги ишлар ҳақида ҳисоб беряпти? Одамлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиш тажрибасини тиклаш пайти келди.

Шунинг учун агар пленум аъзолари бизни қўллаб-қувватласа, Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан турли даражадаги раҳбарларнинг меҳнат жамоаларига ва маҳаллаларга чиқишларини ташкил этмоқчимиз. Бу мафкуравий ишнинг энг муҳим шаклларидан биридир. Бинобарин мафкуравий ишларда бугунги қийинчиликлар вақтинча эканлигини одамларга тушунтиришимиз, қийинчиликлардан чиқиш учун ташқаридан ёрдам кутмай ўз кучимизга таянишимиз, ўз иш жойларимизда тўла куч-ғайрат билан ишлашимиз керак. Ҳақиқий мустақиллик ва давлатимиз тараққиётини юксак ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир фуқаро фаолияти мустақиллик ишига садоқати, мустақилликни мустаҳкамлашда фаол иштироки билан ўлчаниши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, шаҳарда етакчи сиёсий куч эканлигимизни амалдаги ишларимиз билан кўрсатишимиз лозим.

Нотиқ ўз сўзини давом эттириб, маҳаллаларда, ёшлар ўртасида сиёсий тушунтириш, ташвиқот ишларини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталди. Шайхонтоҳур тумани партия ва ёшлар ташкилотлари ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилганлигини таъкидлади.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгашининг биринчи котиби Х. Ш. Эшонхўжаев, булка-кондитер маҳсулотлари комбинати бош директорининг ўринбосари, партия ташкилотининг котиби, шаҳар кенгашининг аъзоси Ф. Л. Маликов, шаҳар хотин-қизлар комитети раиси, шаҳар кенгаши ижроия бюроси аъзоси М. И. Юнусхўжаева, Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши котиби С. И. Перетолчин, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар комитети биринчи котиби Ж. Л. Ҳакимов, Ҳамза туман маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси, шаҳар кенгаши ижроия бюроси аъзоси Н. Ҳасанов ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, юридик фанлари доктори, Тошкент юридик институти ректори А. Х. Саидовлар сўзга чиқишиб Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш борасида шаҳар партия ташкилотининг сиёсий нуқтаи назарини маъқулладилар ва муҳим таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Пленум туман партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари мазкур нуқтаи назари ҳар бир партия аъзосига, шаҳарнинг ҳар бир фуқаросига тушунтириш мақсадида жойларда ташкилотчилик ва ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бориш, бу тадбирларни Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг икки йиллигига тайёргарлик ишлари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилишини таъкидлади.

Бу ишларни олиб боришда ягона сиёсий кунлар, меҳнат жамоаларида суҳбатлар ўтказиш каби оммавий-сиёсий ишларнинг синалган шаклларидан ҳозирги талаблар асосида фойдаланиш лозимлигини уқтирди.

Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросига муҳокамада билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш ва шаҳар партия ташкилотининг мафкуравий нуқтаи назарини мукаммал ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Мустақиллик мафкураси концепциясини ва асосий қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича комиссияси эътиборига етказишни топширди.

Шунингдек пленум иштирокчилари республика Президенти И. А. Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевларнинг шу йил 28 июлда Алматида бўлган учрашувда МДҲ давлатларининг бошлиқларига қарата қабул қилган Мурожаатномаларини бир овоздан маъқуллашди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар Ҳокимининг биринчи ўринбосари Ю. Асепков ХДП шаҳар кенгаши ижроия бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Машкура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.



Йиғув цехи Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий жамоаларидан ҳисобланади. Чунки маҳсулот сифати ана шу цех ишчиларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.
СУРАТДА: цехнинг умумий кўриниши.

А. Кондрашкин сурати.

** Одоблаштириш ойлиги қандай ўтяпти?*

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллигининг икки йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда айниқса пойтахт — Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар диққатга молик. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки байрам тантаналарининг энг асосийлари шу ерда ўтади. Қолаверса барча шодлигу қувончларимизни биз билан бирга баҳам кўргани пойтахтимизга ўзга юртлардан минг-минглаб меҳмонлар ташриф буюришади. Улар фақатгина байрам иштирокчилари бўлиб қолмай, балки турмушимизга, ҳаёт тарзимизга, ҳатто озодагарчилигимизгача баҳо беришади. Демак байрам тайёргарлиги режасидан ободонлаштириш ишлари ҳам муносиб ўрин олмоғи керак бўлади. Шуни назарда тутиб Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков 15 июлдан 15 августгача бўлган даврда шаҳарда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Мана шунга ҳам икки ҳафта бўляпти. Хўш, ўтган вақт мобайнида бу борада шаҳримизда қандай ишлар амалга оширилди?

Асосий шоҳ кўчалар — Пушкин, Бобур, Усмон Носир, Муқимий, Абдулла Қодирий, Навоий кўчалари таъмирдан чиқарилди. Байрам тантаналари ўтадиган марказий жойлар — Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, «Туркистон» кошонаси биноси атрофларида ободончилик ишлари қизитиб юборилди. Хорижлик меҳмонлар диққатини тортадиган Чорсу, Олой, Қўйлиқ бозорларида қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари ниҳоясига етмоқда. Шунингдек шаҳримиз маҳаллаларида ҳам озодагарчиликка катта эътибор бериляпти. Яккасарой, Миробод, Ўзбекистон мустақиллиги, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Чарх Камолон, Фирдавсий маҳаллаларида ҳар ҳафтада бир шанбалик ўтказилиб турибди. Хуллас ижобий ишларимиз ҳақида анча-мунча сўз юритиш мумкин. Лекин асосий гап бу муҳим ишга етарлича эътибор бермаётган, тайёргарликка ҳали эрта деб хотиржам юрганлар устида бораётир.

Маълумки, Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг ойликда бажарадиган иш дастуридан талай вазифалар ўрин олган. Унда дарахт ва буталарга шакл беришдан тортиб пиёдалар йўлаги, майсазор, гулзор, сув иншоотлари, уйларнинг ташқи кўриниши ва ёритгич тармоқларини тартибга келтириш, таъмирдан чиқариш каби муҳим ишлар ўз аксини топган. Ҳатто бу юмушлар қачон ва ким томонидан амалга оширилишигача аниқ белгилаб қўйилган. Бироқ афсуски барча ишлар режа бўйича олиб бориляпти деб бўлмайди. Масалан, Уйғур кўчасидан Самарқанд дарбоза кўчасигача бўлган йўлни қайта тиклаш ёки Туркистон кўчасидан то Воровский кўчасигача юк ташиш йўлини қуриш ишлари режада кўрсатилишича 15 августгача бажарилиши керак. Оралиқ муддат икки ҳафта қоляптики, ҳамон бу жойлардаги ишларнинг чеки кўринмайди. Яна бир мисол: режа бўйича шаҳарнинг марказий кўчаларидаги майсазорларни ўриш ва кўк буталарга шакл бериш 15 июлданоқ бошлаб юборилиши керак эди. Лекин орадан икки ҳафтадан ортиқроқ муддат ўтса ҳамки ҳали бу ишга тўла киришилганича йўқ.

Қарорда «Шаҳар туманлари ҳокимлари, шаҳар хўжалигига қарашли бош бошқармалар, бошқармалар, концернлар, бўлимлар, ташкилот ва корхоналар ҳамда маҳалла ва даҳа қўмиталари ойлик давомида меҳнат жамоалари ва аҳолини шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ва санитар тозалигини таъминлаш ишларига кенг жалб қилиш бўйича тегишли ташкилий ишларни амалга оширсинлар» дейилган эди. Афсуски бу банд бўйича қилинаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Чунки ҳали шаҳар корхона, ташкилот, муассасалари ҳамда маҳалла ва даҳа қўмиталари орасида бу ҳақда мутлоқ бош қотирмай юрганлари кўплаб топилади.



Энди шаҳар кўчаларига бир назар ташлайлик. Зебо Шамсуддинова, Ҳамза, Ипак йўли, Турон кўчалари аллақачонлар таъмирдан чиқарилиши керак эди. Йилнинг биринчи ярмида бажарилиши лозим бўлган иш ҳамон ўлда-жўлда ётибди. Йўлсозлардан кечикиш сабабини сўрасангиз баҳонани қалаштириб ташлашади. Бозор иқтисодиёти туфайли маблағ етарли эмаслиги, ёнилғи танқислиги натижасида механизмлар тўла ишламаётганлиги, эҳтиёт қисмлар йўқлиги ишнинг олдинга босишига имкон бермаётган эмиш. Лекин баҳона излаш билан эмас, балки имкон топиш билан иш битади.

Байрамга қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги дамларда шаҳарнинг баъзи кўчалари ва маҳаллаларидаги «қўлбола» ахлатхоналар ҳақида сўз юритиш ҳатто ноқулай туюлади. Шундай бўлсада бу масала устида тўхталиб ўтмай иложимиз йўқ. Чунки текшириш давомида кўрганларимиз, қолаверса, бу хусусда таҳририятимизга оқшомхонлардан келаётган мактублар бизни шунга ундайди. Шу ўринда Собир Раҳимов туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласидан келган мана бу хатни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

«Маҳалламизнинг Янгиер кўчасида «Янги ер» очилди. Бу жой мана уч йилдирки, кўчада истиқомат қилувчиларнигина эмас, балки ўтган-кетганларнинг ҳам дилини ҳуфтон қилмоқда. Бу ерда гап каттагина майдонни эгаллаб олган ахлатхона устида бормоқда. Янгиер кўчасининг икки томонидан — М. Матчонов ва Ш. Илоқий кўчаларидан юрадиганлар шу ахлатхона олдига келганда йўлни қандай давом эттиришни билмай қолишади. Чунки ҳар хил чиқинди ахлат уюмлари билан тўлган кўча йўловчилар учун гўё тўсиқ вазифасини ўтайди. Бу ердан ахлат бир ойда бир марта олинади. Ёки кейинги ой ҳисобига қолиб кетаверади. Янгиер кўчасидаги 17, 21, 48, 50, 54, 55, 60, 60 а, М. Матчонов кўчасидаги 28, 28 а ва бошқа хонадонларнинг эшигидан чиққан кишиларнинг нигоҳи биринчи бўлиб шу ахлатхонага тушади. Энг ёмони бу хонадонларда истиқомат қилувчилар кечаси билан пашша ва чивинларга таланиб чиқишади.



Истагимиз шу кўчаларда яшовчиларнинг яшаш шароитини нормал ҳолга келтириш мақсадида ахлатхона бошқа жойга кўчирилса. Масалан, Абдурахмонов кўчасидаги ҳар куни тозаланадиган ахлатхонага кўчирилса, нур устига нур бўларди. Чунки олдинлари ҳам Янгиер, М. Матчонов, Ш. Илоқий кўчаларида истиқомат қилувчилар ахлат тўкиш учун шу жойдан фойдаланишарди.

Маҳалла аҳолиси, жами 28 имзо».

Бунақа мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Очиғи туманлар ичида Мирзо Улуғбек туманида олиб борилаётган ободончилик ишлари эътиборга сазовор. Аввало бу ерда «Маҳалла» дастурини бажариш бўйича қилинаётган ишлар кучайтирилган. Туманда маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Бу ерда кўп қаватли уйлардан иборат мавзелар аҳолисини ҳам қамраб олган 62 та маҳалла ташкил этилган. Уларда олиб борилаётган байрам тайёргарлиги ва ободонлаштириш ишларига маҳалла фаоллари бош-қош бўлишяпти. Аҳиллик туфайли ариқ-зовурлар, ҳашар йўли билан тозаланяпти, уйларнинг ташқи кўриниши тартибга келтирилмоқда. Шу йилнинг ўзида 10 та маҳалла қўмитаси учун идора ва тўйхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ибратли ишдан ўзга туман маҳаллалари ҳам ўрнак олсалар ёмон бўлмасди.

Шу ўринда гап ҳашар ҳусусида борар экан, бир нарсага эътиборни қаратишни лозим топдик. Назаримизда негадир ҳашар деган яхши анъана кейинги йилларда биздан анча узоқлаша бошлагандек кўринади. Ахир олдинлари шу йўл билан қанчадан-қанча ишлар битказиларди. Жамоат бинолари қад кўтариб, маҳаллалар тартибга келтириларди, ахлатхоналар тозаланиб, улар ўрнида гулзорлар барпо бўларди. Ўшанда ҳеч ким эшиги тагида пайдо бўладиган ахлатхонадан нолиб ёки йўлагини фаррош супурмаганидан шикоят қилмасди. Балки шанбалик уюштирилиб, ўша ахлатхона тозаланар, эшик таги хонадон аъзолари томонидан ҳар куни саранжом-саришта қилиб супуриб қўйиларди. Мустақиллигимиз туфайли ўтмишдаги яхши анъаналаримиз яна ҳаётдан ўз ўрнини топаётган экан ўйлардикки, ота-боболаримиздан қолган бу эски удум ҳам эътиборимиздан четда қолмайди.

Ободонлаштириш ойлиги режасида кўп қаватли биноларнинг ташқи қиёфасини ҳамда кўча ёритгичларини тартибга келтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак ойлик давомида бажарадиган юмушларимиз қўлами биз ўйлагандан ҳам кўпроқ кўринади. Тўғри, марказий кўчалар четларидаги бинолар анча кўримли, тартибли. Аммо мавзеларни ораласангиз шунақа биноларга ҳам кўзингиз тушадики, унга қарай туриб бу бино яқин йиллар ичида таъмир кўрмаганига ишонч ҳосил қиласиз. Есенин ва Гвардия кўчаларидаги икки қаватли уйлар бунга мисол бўла олади. Нураб кетган бинолар Юнусобод даҳалари оралиғида ҳам йўқ эмас. Нуронийлар ва матбуотчилар кўчалари муюлишидаги бинонинг ташқи қиёфаси ҳам кишини ранжитади.

Кўча ёритгичлари масаласида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Узоққа бормай таҳририятимизга оқшомхон Турсунбой Султоновдан келган ушбу хатни мисол келтиришимиз мумкин:

«Ҳурматли таҳририят, — деб ёзади у, — Сергели туманига қарашли 5-Қўйлиқ мавзесидаги уйлар, кўча ва йўлкалар чеккасига қўйилган ёритгичларнинг кўпи ишламайди. Масалан, 26-уй олди йўлкаларида кечалари юрсангиз фиғонингиз ошади. Ёшлар ва аёллар бу ерда тунда ғайр қилишдан қўрқишади. Сабаби ушбу йўлканинг баъзи жойларида милтираган хира чирок кўринса кўп қисмида эса қоронғилик ҳукм суради. Бу аҳвол бир вақтлар танқид қилингач ўтган йилнинг ёзларида симёғочларга ёритгич чироқлари ўрнатиб кетилганди. Шундан сўнг бу чироқлар бир-икки ой ёниб турдию кейин «яроқсиз» ҳолга келгач яна кўча эски ҳолига қайтди. Кўчадаги дарахт шохлари ўсиб кетганлиги боис тунлари уларнинг шох-шаббалари йўлкаларни баттар зимистон қилиб туради. Сергели тумани электр тармоқлари корхонаси қачонгача бу ишга бефарқ қарайди? Балки байрам тайёргарлиги ва ободонлаштириш ойлиги ўтаётган ҳозирги қизғин паллаларда ушбу танқидимиз ўз эгасини топару кўчамизда яна чироқлар порлаб қолар, деган умидда ушбу мактубни сизга йўлладик».

Ўйлаймизки, Сергели тумани электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари ушбу танқиддан тегишли хулоса чиқарадилар.

Ободонлаштириш ишларидан корхона, ташкилот, ҳамда муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари ҳам четда қолмасликлари керак. Улар ойлик даномида кириш йўлларини, дарвозаларни, биноларнинг олди томонини, айвонларни, қуёшдан сақлаш қурилмаларини, девор, панжара ва бошқа иншоотларни тартибга келтириш тадбирларида фаол қатнашишлари лозим.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: шаҳримиз кўчалари кафтдек қилиб текисланяпти; Нуронийлар кўчасидаги нураб бораётган бино.

Андрей Пишненко ва Холмат Мирзакаримов суратлари.

** Меҳнатинг—зийнатинг*

Ўз ишининг устаси

ГОҲО шундай бўлади, Тун ёғдусида навбатчи машина келиб ширин уйқуда ётган Абдусаттор акани иссиқ ўрнидан олиб кетади. Бу айниқса, баҳор фаслида кўпроқ такрорланади. Кўча чорраҳаларидаги трамвай изларига тўпланган ёмғир сувлари оғир рельсни ерга чўктиради. Ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи йўл назоратчилари бу ҳунук ҳодисани сезишдими, дарров Абдусаттор акани излашади. Чунки йўлсозлар сардори бундай носозликларни бартараф этишга устаси фаранг бўлиб кетган. Унинг иши шунақа: пишиқ, режали, самарадор ва пухта.

Абдусаттор Қорабоев ишга биринчи келган ўспиринлик йилларини эслаб қувонади. Бундан 37 йил илгари аскарликдан қайтгани, амакиси ишчан йўлсоз Абдуманноп Қорабоев уни бу даргоҳга олиб келгани, Нурсахий Шокиров, Воҳид Каримовлар ўзларининг янги шогирдларига рельсларни бир-бирига туташтириш сирларини ўргатганликларини унутмайди. Абдусаттор ака меҳнат фаолиятини бошлаганда шаҳримиз кўчалари 137 чақирим трамвай изига эга эди. Эндиликда, бу рақам 282 чақиримга кўтарилди.

— Жамоамиз йўлсозлари 17 кишидан иборат. Ҳаммамиз ягона оила фарзандларидек бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда бригада бошлиғи Абдусаттор Қорабоев. — Ишимизда темирни эгиш, монтаж қилиш, чорраҳаға ётқизиладиган стрелкаларини миллиметригача аниқ ҳисоблаб ўрнатиш сирларини пухта билиш зарур. Рельсларни ётқизишда 12-16 миллиметр бўшлиқ қолдириш, ёзда рельслар чўзилишига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Ўрда, Юнусобод, Санъат саройи, Лисунов, Ш. Рашидов кўчаси чорраҳалари йўлсозларнинг тили билан айтганда «энг нозик жой» ҳисобланади. Трамвайларнинг серқатнов бу ерида бирорта хавфли воқеа юз бердими, дарров бартараф этиш зарур. Абдусаттор ака бу қоидани яхши билади. Шу боисдан бўлса керак йўлсозлар жамоаси ҳар ойда 800 минг — 1 миллион сўмлик ишни уддаламоқдалар. Ҳаммадан ҳам чорраҳаларга ўрнатиладиган автомат стрелкаларни корхонанинг ўзида тайёрланиши кўп афзалликлар келтираяпти. Махсус ишлаб чиқариш цехига Мутал Омонов бошчилик қилади. Ишчан бу инсоннинг шарафли меҳнатидан трамвайчилар бир умр миннатдор.

Дарвоқе, шаҳримизнинг 3 та трамвай саройига ўрнатилган 441 та бурилиш стрелкаларнинг деярли ҳаммасида Абдусаттор акаининг салмоқли ҳиссаси бор. У ҳар гал янги йўналиш линиясини муддатидан илгари топширганда ёки ҳамшаҳарларига трамвай хизматини янада яхшилаш борасида бир янгиликни амалга оширганда қучоқлари анвойи гулларга тўлиб кетади. Мана улардан баъзилари.

Пўлат изларининг бутунлиги, едирилмаганлиги, шпалларнинг чиримаганлигидан хабардор бўлиб туриш ҳар бир пўлат йўл бунёдкорининг бурчи. Агар рельс ётқизиш қоидаси бузилса, вагонлар издан чиқиб, хунук ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун Абдусаттор ака доим ТВ-60, ТВ-66 типидаги оғир ва кўпга чидамли пўлат изларидан кенг фойдаланиш ташаббусини қўллаб келди.

Қўйлиқ мавзесига янги трамвай йўлларини ётқизишда техникадан унумли фойдаланувчи билимдонлар талаб этилди. Уста Абдусаттор Қорабоев трамвайнинг ҳаракати чоғида чиқарадиган шовқинни камайтириш, кишилар саломатлиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, ташкилий илмий-техника тадбирлари режасига мувофиқ кўпгина ишларни амалга оширди. Жумладан, пўлат изларининг туташ жойлари вагон ҳаракат қилган пайтда шовқин чиқарадиган манба ҳисобланади. Қурувчилар шу туташ жойларни пайвандлашда пўлат изнинг бурилиши қисмлари мойланишини унутмайдилар. Янги трамвай йўллари қурилганда ёки таъмирланганда бетон шпаллар остига резина ёстиқчалар қўйиш қатъий тартибга айлантирилди. Устанинг шаҳарда шовқинни камайтириш, аҳолига трамвай хўжалиги хизматини яхшилаш йўлида олиб борган иши муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳримизда 30 йил мобайнида 200 чақиримга яқин трамвай йўли бунёд этилди. 1967 йилда эса тор изли трамвай йўллари кенг йўлларга бутунлай алмаштирилди. Катта шоҳкўчалар, Шимолий-Шарқ, Юнусобод, Янгиобод, Роҳат, Қорақамиш, Ғафур Ғулом, Қўйлиқ, Отчопар мавзелари қулай ва арзон транспорт — трамвай ҳаракати билан таъминланди. Ҳамшаҳарларимиз хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда Абдусаттор ака ўзининг жонкуяр йўлсозлари В. Зиновьев, Б. Муҳриддинов, Ғ. Содиқов, И. Расулов, А. Гридневлар билан бирга астойдил тер тўкмоқда.

Пойтахтимизнинг Амир Темур кўчасида иш қизғин. Бульдозерлар ҳайқириб трамвай шпалларини бўшатади. Кимдир, рельсларни шағаллардан тозалайди, кўтарма кранлар пўлат йўлларни авайлаб кўчириб белгиланган ерга қўймоқда. II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденларининг соҳиби Абдусаттор ака бу қизғин ишда бош-қош. Ҳар метр трамвай изини кўз қорачиғидай сақлашга интилади, чунки бу рельслар Ойбек—Юнусобод метрополитени линияси қисмида иш тугагач, яна қайта жойига ўрнатилади. 4 чақирим трамвай йўлини кўчириб метросозларга тайёрлаб беришдек долзарб топшириқни бунёдкорлар янги куч ва ғайрат билан уддаламоқдалар.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

* *Фан ва ҳаёт*

ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ҚАЧОН КАШФ ЭТИЛГАН?

ЖОНАЖОН Ўзбекистонимиз жаҳон сари юз тутмоқда. Замонавий технология оламига аста-секин кириб бормоқда. Ҳадемай жаҳоннинг машҳур фирмаларининг маҳсулотлари, иш услублари турмушимизни безашига ҳеч шубҳа йўқ. Бироқ диққат билан эътибор берсангиз хориждан келтирилган технологияда электрониканинг энг сўнгги ютуқлари мужассамланган. Айни шу соҳанинг охирги 30 йилликдаги ривожланиши давлатларнинг мўъжизасига айланди, десак муболаға бўлмас. Айниқса, ҳозирги кунда шахсий компьютерларнинг дунё бўйича кенг тарқалиши ишчи ўринларни ва бошқаришни жуда такомиллаштирди. Аслида 50—60-йилларда эндигина ривожланаётган бу соҳага унчалик эътибор берилмаган эди. Бироқ 80-йилларга келиб, хорижда электроникага шу қадар катта ихлос қўйилдики, натижада Япония, Корея, Германия каби давлатлар ишлаб чиқаришда кескин «сакраш» қилиб, ўзига хос «мўъжиза»лар кўрсатишни ҳануз давом эттирмоқдалар.

Албатта, ҳар бир янгилик инсониятнинг юксак тафаккури ва бир неча юз йиллик меҳнатлари натижасида рўёбга чиқади. Компьютерларда дисплей деган асосий қурилмалардан бири, яъни тузилиши жиҳатидан телевизордан ҳеч қолишмайдиган экран асли биринчи марта Тошкентда яратилганини эътиборга олсак, бу соҳада Ватанимизнинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини ҳис этамиз.

Ҳисоблаш ва ўлчаш ишларини одамзод ҳамиша осонлаштиришни кўзлаб, ҳар хил асбоблари қадимдан ихтиро қилишга интилиб келган. Қадимги юртдошларимиз тарихида ҳам бир нечта асбоблар топилганки, сўзсиз ҳисоблаш математикаси энг кекса фанлар сирасига киришини исботлайди. Ҳозиргача қўлланиб келинаётган оддий чўтнинг тарихини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Бироқ, ҳар қандай ҳисоблаш асбобининг биринчи қўлланиши амалий эҳтиёж туфайли бўлса, иккинчиси ўқитиш мақсадлари учундир. Масалан, португалиялик Перейра кар-соқовларни ҳисоблашга ўргатишга мўлжалланган ҳисоблаш машинасининг лойиҳасини биринчи бўлиб ишлаб чиқди ва уни ясади. 1957 йили Германиянинг Штутгарт шаҳри кутубхонасида сақланаётган Иоганн Кеплер қўлёзмаларини ўрганиш, дастлабки ҳисоблаш машинасининг яратилаш санасини 1623 йил деб ҳисоблашга илмий далил берди. Бу машина тадқиқотчи Вильгелм Шиккард томонидан ясалган бўлиб, ихтиро ҳақида у ўзининг машҳур фалакшунос Кеплерга ёзган хатида хабар берган эди. Бироқ адабиётларда машҳур физик Блез Паскаль отасининг иқтисодий масалаларини енгиллаштириш учун яратилган машинаси биринчи ҳисоблаш машинаси деб тан олинган.

Машҳур рассом Леонардо да Винчининг 1500 йиллар атрофида қўшиш асбоби эскизи топилганлиги тарихчиларни ҳайратга солган. Яна бир қизиқарли томони шундаки, улуғ истеъдодли рассом ва мутафаккирга тегишли ғоя асосида, унинг эскизи асосида бизнинг давримизда асбоб ясалганда у ишлаш қобилиятига эга эканлиги маълум бўлди.

XIX аср ҳисоблаш машиналари тарихида энг самарали йил бўлди. Турли арифмометрлар, тугмали ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши шу даврга тўғри келади. Машҳур олим Чарльз Беббидж 1822 йили биринчи бўлиб ҳисоблашни автоматик равишда, одамнинг иштирокисиз бажарадиган қурилма яратди. Фан тарихида қизиқ ҳодисалар бўлишини қарангки, машҳур ёзувчи Байроннинг қизи Ада Лавлейс Беббиджнинг шогирди эди.

Олимнинг иқтидорли шогирди ҳозирги дастурлаштиришнинг муҳим тушунчаларини фан оламига киритди.

Шундай қилиб асримизнинг 30-йиллари бошларида ҳозирги давр мазмунидаги компьютерлар яратиш бошланди. Немис муҳандиси Конрад Зюс ва Америка математиги Жорж Штиритц бир-биридан бехабар иккилик арифметикага асосланган релелик механик машиналар яратдилар. Бу машиналар қўшиш амалини 0,3 секундда кўпайтиришни 1—5 секундда бажарар эди.

Тез орада релелик машиналар ўрнини электрон машиналар эгаллай бошлади.

Кўпчилик биринчи электрон ҳисоблаш машиналари қачон чиқарилган, — деган саволни беришади. Биринчи ЭҲМ 1946 йили Америка Қўшма Штатларида чиқарилган ва у ЭНИАК номини олган эди. Муштарийларимиз ана шу даврларда қутидай келадиган лампали «Урал» радиоларини эслашади. ЭНИАКда ҳам 18 мингга яқин электрон лампалар ва бир ярим минг реле жамланган эди. Электрон ҳисоблаш машинаси 150 киловатт қувват истеъмол қилган.

Собиқ Иттифоқда бу соҳа Украинада ривож топди. Киевда С. А. Лебедев бошчилигида 1947 йилда Украина Фанлар академиясининг электроника илмгоҳида электрон ҳисоблаш машинаси яратилди. «МЭСМ» деб номланган ЭҲМлар бир секундда 50 та буйруқ бажара олган. Кейинчалик олим БЭСМ деб номланган янада аниқроқ — секундига 10000 буйруқ бажара оладиган машина яратди. Энг эътиборлиси шунда эдики, бу машиналарда хотира магнит ўзанларда жойлашган, ЭҲМнинг ташқи хотираси иккита магнитли барабанда, битта магнит тасмада жойлашган эди. Шундан кейин ҳисоблаш техникасини яратиш ишлари шу қадар ривожланиб кетдики, буни қуйидаги номлардан ҳам билиш мумкин. Масалан, 1953 йилда Базилевский «Стрела» номли, Рамеев эса «Урал—1», «Урал—2», Саркисьян эса «Раздан» машиналарини яратди. Яқин-яқингача бу машиналар республикамиз муассасаларида ишлатилиб келинар эди. Айниқса, Минскда ишлаб чиқилган «Минск—1», «Минск—2» ҳисоблаш машиналари республикамизда кўплаб ишлатилган. Айтиб ўтилган компьютерларнинг элемент манбаи электрон лампалар, ярим ўтказгич диодлар ва магний ўзаклардан иборат эди. Булар биринчи авлод ЭҲМлари эди. Худди шу номда элемент манбаи транзисторлар бўлган иккинчи авлод компьютерлари 1960 йилдан бошлаб ишлаб чиқарила бошланди. Ана шу давр фан ютуқлари туфайли радио ҳам транзистор асосида ишлаб чиқарила бошланди. Урушдан кейин, маълумки, давлатлар айниқса Америка ва Европа давлатлари ўзаро рақобатни янада кучайтирдилар. Айниқса ядро, электроника соҳасида шу қадар кескин рақобат бўлдики, бу сўзсиз илм-фаннинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Ўша даврда АҚШда чиқарилган ЛЕО, ЭНИАК, ЭДВАК каби машиналарни эслаб ўтиш кифоя. Кейинги «Ай-би-эм» типидаги компьютерларнинг шуҳрати, қўлланиш даражаси ҳозир жаҳонда етакчи ўриндадир.

Компьютер техникаси собиқ Варшава шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига мамлакатлари кирган Шарқий Европа давлатларида ривожланиб бир нечта давлатлар биргаликда учинчи авлод ЭҲМларини ишлаб чиқаришга асос солинди. Бу техника интегралли микросхемалар асосида ўзлаштирилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ЕС деб номланган компьютерлардан ҳанузгача ташкилотлар фойдаланиб келмоқдалар. Республикамиз илмий оламида бу машиналардан катта тадқиқотларда самарали фойдаланилди. Бу компьютерлар ташқи қурилмаларининг катта тўплами ва ривожланган дастур таъминоти билан ажралиб туради, тезлиги эса секундига 1 миллион буйруқдир.

Ва ниҳоят 80—90-йиллар микроэлектониканинг ниҳоятда ривожланиши тўртинчи авлод компьютерларини ишлаб чиқаришга сабаб бўлди. Айни шу компьютерлар ҳозирги кунда инсоннят хизматида. Ўқитишга мўлжалланган компьютерлар ҳам тўртинчи авлодга мансубдир. Келгусида бешинчи авлод компьютерлари ҳам яратилиши ҳеч шубҳасиз. Табиийки бу компьютерлар мулоқотда одам учун табиий ҳолга яқинлашади.

Муштарийларда компьютерлар яратилишининг шонли тарихида Ўзбекистон олимларининг ҳам ҳиссаси борми?—деган савол туғилиши табиий. Албатта бор. Чунки собиқ Иттифоқ таркибидаги барча илмий муассасалар иши ўта қаттиқ назорат қилиниб, айниқса компьютерлар яратилишида деярли ҳамма ишланмалар фойдаланиб, пировард натижа сир сақланиб келинар эди. Кўплаб ўзбек олимларимиз электроника соҳасида Киев, Москва, Ленинград шаҳарларида тер тўкдилар. Илмий ишларини ҳимоя қилдилар. Бинобарин, ўтмишда яратилган ҳар бир техникада нафақат ўзбек олимларининг, балки миллатидан қатъи назар, барча тадқиқотчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Мустақиллик шарофати билан элимиз тўла ўз ишлаб чиқариш саноатига эга бўлмоқда. Хабарингиз бор: Тошкентда бир нечта заводда телевизор-дисплей ишлаб чиқаришга киришишди. «Алгоритм», «Зенит» каби илгари номи сир тутилган, фақат ҳарбий мақсадлар учун хизмат қиладиган заводлар кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ўтди. Сўзсиз бу тадбирлар республикамизда компьютер саноатининг ривожланишига туртки бўлади. Ишларимиз ҳам ривожланишимизнинг устивор йўналиши бўлган электроника соҳасига қизиқишлари ва бу касбни ўрганишлари зарур. Чет элга юборилаётган ёшларимиз ҳам айни шу йўналишда кўпроқ тайёрланиши даркор. Ўйлаймизки, Ал-Хоразмий ватани бўлган минглаб иқтидорлар юртида бу соҳа жаҳон савиясига кўтарилиб олади.

Баҳтиёр КАРИМОВ,
олий тонфали муаллим.



Енгил атлетикани бежиз «қийиқлар пойгаси» деб аташмайди.

* *Тошкент дўстларни чорламоқда*

Кичик Осиё ўйинлари деса бўлади

Тафти пасайиброқ қолган қуёшнинг ҳузурбахш нурлари танамизга ўзгача роҳат бахш этаётган, она табиат қийғос етилиб пишган қовуну тарвузининг ўнлаб хиллари, мева-ю сабзавотининг сара турларини инъом қилаётган, миллатдошлар, ватандошлар эрку саодатга эга бўлганлигининг икки йиллик тўйини ўтказиб ҳали ҳамон унинг сурури, бетакрор жилоли нурларида чўмилиб юрган чоғлари пойтахт — Тошкент шаҳри нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё қитъаси спортининг марказига айланажак. Шу йилнинг куз фаслида бўлиб ўтадиган ана шу «Дўстлик» мусобақаси ҳақида батафсилроқ маълумот олиш нстагида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг ўринбосари Комил Юсуповга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Комил ака, аввало «Дўстлик» мусобақасининг тарихи ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ёдингизда бўлса, бирмунча вақт муқаддам қадимги Турон заминида қарор топган беш мустақил давлат — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг тарихий учрашуви бўлиб ўтган ҳамда улар қондош халқлар ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамроқ боғлаш, мавжуд қийинчиликларни баҳамжиҳат енгиб ўтиш ниятида иқтисодий, сиёсий, маданий, жумладан спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олгандилар. Ана шу қутлуғ кунлар силсиласида дунёга келган «Дўстлик» мусобақаси илк бор ўтган йили Олмаота шаҳрида ўтказилди. Бу йил эса унинг мезбони сифатида Тошкент шаҳримиз ўз меҳмоннавозлигини намоён этиш учун қизғин тайёргарлиқ кўрмоқда.

Ҳали Ўзбекистон тарихи кўрмаган бундай кенг кўламдаги тадбир юртимиз мустақиллигининг икки йиллик тўйига бағишланади.

— Бундай кенг кўламдаги тадбир юртимиз тарихида бўлмаган дедингиз, ваҳоланки, Ўзбекистонда сўнгги йилларнинг ўзида қатор нуфузли мусобақалар ўтказилмадими?

— Тўғри, лекин сиз бир эмас, ўттиз бир (!) спорт турининг энг моҳир усталари, номлари афсонага айланган Европа, жаҳон чемпионларининг бараварига диёримизга ташриф буюргани, ўз маҳоратини намойиш этганига гувоҳ бўлганмисиз? Менимча, йўқ. Мана шу жиҳатдан олганда Тошкентда бўладиган «Дўстлик» мусобақасини бемалол Кичик Осиё ўйинлари, деб аташ мумкин бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мусобақа хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу кунгача ташкилий комитет номига Қувайт, Озарбайжон каби мамлакат спортчиларидан «Дўстлик» ўйинларида қатнашишга ижозат беришимиз сўралган илтимосномалар олмоқдамиз.

— Мусобақа дастури ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Юқорида айтганимдек, спортчилар 31 тур бўйича ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Биз куч, ирода, маҳорат байрами руҳи вилоятларимизда ҳам авж урсин дея айрим турлар бўйича баҳсларни Фарғона, Бухоро, Навоий, Самарқандда ўтказишга қарор қилдик. Профессионал спортчиларнинг чиқишлари тугагач, бир ҳафта давомида мухлислар халқ ўйинлари, «Қиз қувди», «Кўпкари», «Улоқ», миллий курашнинг такрорланмас жозибасидан баҳраманд бўладилар. Спорт байрами бир ой давом этадиган халқ сайлига айланиб кетади.

— Лекин тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши керакку...

— Албатта. «Дўстлик» мусобақасини юқори савияда ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўриляпти. Бу ишларни республика раҳбарияти ҳам назардан четда қолдирмай йўл-йўриқлар бериб боряпти. Айни кунларда меҳмонхоналарда жойлар тахт қилиб қўйилди, ўйингоҳлар кўздан кечириляпти, маданий дастурлар тайёрланяпти, хуллас, бор куч-ғайратимиз мана шу ишга қаратилган.

— Спорт ҳам бизнеснинг бир тури эканини энди англаб етяпмиз, шу боисдан саволимни тўғри тушунасиз деган умиддаман. Тошкент, умуман республикамиз мазкур мусобақадан моддий манфаат оладими?

— Биз, очиғи, даромад олишдан ҳам кўра мусобақанинг тарбиявий аҳамияти катта бўлишидан манфаатдормиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, алп келбатли Алпомиш, Фирдавсий куйлаган Сиёвуш, Навоий мадҳ этган Фарҳодлар, дунёни лол этган Паҳлавон Маҳмуд миллатдошларимиз, аждодларимиз эмасмиди? Уларни иккисини уласанг кетмон дастаси бўйли бўладиган ҳозирги нимжон, бадани қуёш кўрмаган йигитларга таққослаб бўладими? Ўшалардек ўғлонлар, Барчиндек қизларни вояга етказиш даври келди чоғимда. Шу жиҳатдан олганда бу мусобақаларнинг маънавий аҳамияти беқиёс. Халқимиз соғ бўлса, келажагимиз порлоқ, нонимиз бутун, йигитларимиз мард бўлса мустақил юртимиз сарҳадлари бехатар бўлғуси, қизларимиз бадан ва руҳ тарбиясига ошно эрсалар фарзандларимиз саломат туғилгусидир. Бугун спортга сарфланаётган маблағларни мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бахшида қилинаётган неъматлар дейиш мумкин.

— «Дўстлик» мусобақасига ташриф буюрадиган спортчиларга тилакларингиз?

— Спорт—тинчлик, дўстлик элчиси. У инсонни улуғлайди, мардликка ўргатади. Спортда энг кучлилар ғолиб чиқади, ўйлайманки, улар орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам кўп бўлғусидир. Мен барча спортчиларга омад ва албатта ғалаба тилаб қоламан.

— Мухлисларингиз?

— Бундай байрамлар ҳар куни ҳам бўлавермайди. Спортнинг энг ёрқин юлдузлари ҳар куни ҳам бир ерда тўпланавермайди. Шундай экан, имкониятингизни қўлдан берманг. «Дўстлик» мусобақалари бўлиб ўтадиган 6 сентябрь — 10 октябрь кунлари номдор спортчилар Европа, жаҳон рекордларини забт этсалар ажабмас.

Биз барча фидойи спорт ишқибозларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб, уларни пойтахтимиз ўйингоҳларига таклиф этамиз.

Шуҳрат АРМОН
суҳбатлашди.

«ХАМАР» КЎРГАЗМАСИ

КУПЛАБ ижодий жамоалар қаторида «Хамар» халқаро алоқалар маркази Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси билан ҳамкорликда Республика Мустақиллик кунининг икки йиллигига алоҳида тайёргарлик кўрмоқда.

«Хамар» марказининг ходимлари республика Рассомлар уюшмаси билан биргаликда байрамга бағишланган махсус кўргазма ташкил қилишни режалаштирди.

Кўргазма 27 августда очилади. Унда мамлакатимизнинг кўзга кўринган рассомлари, тасвирий санъатга оид энг сара ижод намуналари намойиш қилинади. Шунингдек, улар орасида энди кўзга кўринган ёш ижодкорларнинг асарлари ҳам ўрин олади.

Бундан ташқари кўргазмада халқ амалий санъатининг намуналари, бадиий кулолчилик буюмлари савдоси ҳам ташкил қилинади.

Шу билан бирга рассомлардан ташқари, халқ усталари, Тошкент халқ амалий санъати тажриба корхонаси, «Усто» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ўз маҳсулотлари билан савдода иштирок этадилар.

Кўргазма Рассомлар уюшмасининг ҳудудида, кўргазма хоналаридагидек ташкил қилинади. Унда Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг оркестри, шунингдек кўзга кўринган бадиий мусиқий, халқ жамоалари ҳам қатнашади.

Нодира СОБИРОВА.

* *Ёз—ўтмоқда сўз*

ГАВЖУМ ОРОМГОҲЛАР

ЮНУСОБОД тумани маорифчилари ўқувчиларнинг ёзги таътиллари мазмунли ва мароқли ўтиши учун бор имкониятларини ишга солишяпти. Тумандаги соясалқин мактаблар қошида оромгоҳлар ташкил этилди. Биз 58, 70, 96, 267, 273-мактабларда бўлганимизда болалар мириқиб дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилганлиги ва турли тўгаракларда мароқ билан кўнгил очаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Ёз бўйи 5 минг ўғил-қизлар 11 та мактабдаги оромгоҳда ҳордиқ чиқаришлари кўзда тутилган. Булардан ташқари Тошкент вилояти ҳудудидаги тоғлар бағрида жойлашган 4 оромгоҳда 7 мингдан ортиқ ўқувчилар ёз гаштини сурадилар. Шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар учун касаба уюшмалари, саноат корхоналари 70 миллиондан ортиқ маблағ ажратишди. Ота-оналар йўлланмалар нархининг бор-йўғи 10 фоизини тўлашяпти, холос. Кўп болали оилаларга эса бепул.

Тумандаги 70-мактабда ҳам оромгоҳ ташкил этилди. Бу ерда намунали спорт зали, соғломлаштириш спорт шаҳарчаси, сув ҳавзалари дам олувчилар ихтиёрида. Ҳозир 51, 88, 105-мактаб ўқувчилари ҳам ҳордиқ чиқармоқдалар. Уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

* *Биласизми?*

◎ ЗООЛОГЛАРГА ер юзида бир ярим миллион турдаги ҳашаротлар борлиги маълум. Мутахассисларнинг кўрсатишича, улар камида 2—3 миллион атрофидаги турга эга.

◎ ИУЛДОЩ кема ва ракеталарнинг фазодан берган маълумотларига кўра, ҳар куни ер юзига 10 минг тоннадан ортиқ космик чанг ва тўзонлар келиб тушади.

◎ ЕР юзида 2500 турга яқин илонлар яшайди. Булар ичида энг заҳарлиси йўлбарс илонидир. Унинг заҳари ҳатто миядаги нафас олиш асаб марказига ҳам бевосита таъсир қилади.

◎ ЕР юзида 450 хилга яқин заҳарли ўсимликлар учрайди.

◎ ТРОПИК мамлакатларда яшовчи пендала деган қуш ўз болаларини бошқа ҳайвонлардан ҳимоя қилиш мақсадида уясини ари инлари яқинига қўяди.

◎ БИР квадрат километр қуруқликда яшаётган ҳашаротлар ер юзидаги бутун аҳоли сонидан ортиқ.

◎ КАШАЛОТ (сут эмизувчи, китсимон денгиз ҳайвони) сув остида тахминан 160 минутгача тура олади. У шўнғишдан илгари 60—70 марта чуқур нафас олади ва чиқаради.

◎ ТЎРТ ёшдаги бола бир кунда катталарга ўрта ҳисобда 450 та атрофида савол беради.

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Х. З. ҚАЛОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ОЛИЙ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

Янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ва бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш (БҲТ) соҳасидаги касбларни эгаллаш истагида бўлган барчага

БИЛИМ ЮРТИ

педагогик технологияларнинг янги кўринишларини, таълимнинг янги тизими (интеграл ва кўп тенгламали ўқув режаларини, якка тартибдаги ўқув режаси фанларини танлаш, фанлар бўйича тест синови, руҳиятпедагогика ташхиси ва ҳоказолар)**ни**

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Олий ҳунар билим юртининг бош мезони узлуксиз касбий таълим тизимидан иборат. Таълимнинг ҳар бир йили — қўлга киритилган касб ва ўз билимлари ҳамда куч-ғайратини халқ хўжалиги соҳаларига тадбиқ этиш учун ишлаб чиқариш даргоҳига йўл олиш имконияти демакдир. Ҳар бир йил — таълимнинг навбатдаги босқич тамловида иштирок этишдир.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига ЯАТ ва БҲТ соҳасида ишчидан тортиб то муҳандис малакасигача бўлган бир неча ихтисосни эгаллаб чиқиш имкониятини беради.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 6 йилгача.

Ўқишга Тошкент шаҳрида қайд қилинган, ўрта мактабларнинг 9- ва 11-синфларини битирган шахслар қабул қилинадилар.

Таълим—ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Танлов саралаши 3 босқичда ўтказилади.

I-БОСҚИЧ — **фан бўйича тест синови:** БҲТ — диктант, матнларни аннотациялаш ва таҳрир қилиш;

ЯАТ—ПЭҲМда математика.

II-БОСҚИЧ — **ПЭҲМда мантиқий тест синови.**

III-БОСҚИЧ — **руҳият-педагогика тест синови.**

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Биринчи давра (фақат БҲТ йўналиши учун):

Консультациялар ва тест синовлари — ҳужжатлар тушишига қараб ўтказилади.

Иккинчи давра (ЯАТ ва БХТ йўналишлари учун):

Ҳужжатлар танловга 10 августгача қабул қилинади.

Консультациялар — 1—10 август кунлари ўтказилади.

Танлов саралаши 11 августдан 21 августгача ўтказилади:

Манзилимиз: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10, 44, 56, 85, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73, 34-52-50.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Уй ва мебель сотилади. Телефон — 54-17-51.

* * *

«Юнусобод-4» даҳасидаги ғиштли уйнинг 2 хонали, таъмирланган кооператив квартираси сотилади. Телефон — 24-36-88.



33-29-33 — Солиҳ ЕҚУБОВ, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, масъул котиб
32-55-21 — Марғуба АКРОМОВА, масъул котиб ўринбосари

БЎЛИМЛАР

◎ Ижтимоий-сиёсий муаммолар

32-55-83 — Диляшод ИСРОИЛОВ, мудир
32-53-66 — Машкура МИРЗАМУҲАМЕДОВА, мухбир.
32-53-66 — Эркин ЭСИРГАДИЕВ, мухбир.

◎ Иқтисодиёт ва ҳаёт

32-57-84 — Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, мудир
32-54-34 — Гулзода МАМБЕТОВА, мухбир
32-54-34 — Ғулом ЮСУПОВ, мухбир

◎ Фан, маданият ва ахлоқ

32-54-19 — Саъдулла ШОДИЕВ, мудир
32-55-52 — Абдуманнон АБДУРАҲМОНОВ, мухбир
32-55-52 — Назира СОДИҚОВА, мухбир

◎ Адабиёт ва санъат

32-53-10 — Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, мудир
32-56-81 — Зоир ТУРСУНОВ, мухбир.

◎ Ахборот ва спорт

32-53-66 — Шуҳрат ЗОКИРОВ, мухбир.

◎ Хатлар

33-29-70 — Зуҳра АЪЗАМХЎЖАЕВА, мудир

◎ Эълонлар

33-81-42, 32-57-27

«Шарқ нашриёт-матбаа концерни жамоаси концернинг собиқ ходими, меҳнат фахрийси **Абдумажид АРСЛОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги туман ҳокимининг ўринбосари К. В. Заржицкийга отаси **Виктор Антонович ЗАРЖИЦКИЙнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 600101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.50. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6